

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АЛИҚУЛОВ ИХТИЁР ТИЛОВҚОБИЛОВИЧ

СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ БОР БЕМОРЛАРДА
БУЙРАКЛАР ДИСФУНКЦИЯСИНИ ЭРТА ТАШХИСЛАШ
ВА ПРОГНОЗЛАШ

14.00.05 – Ички касалликлар

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Алиқулов Ихтиёр Тиловқобилович

Сурункали юрак етишмовчилиги бор беморларда буйраклар
дисфункциясини эрта таъхислаш ва прогнозлаш 3

Алиқулов Ихтиёр Тиловқобилович

Ранняя диагностика и прогнозирование дисфункции почек у
больных хронической сердечной недостаточностью 21

Alikulov Ixtiyor Tilovkobilovich

Early diagnosis and prognosis of renal dysfunction in patients with
chronic heart failure 37

Эълон қилинган ишлар руйхати

Список опубликованных работ
List of published works 40

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АЛИҚУЛОВ ИХТИЁР ТИЛОВҚОБИЛОВИЧ

СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ БОР БЕМОРЛАРДА
БУЙРАКЛАР ДИСФУНКЦИЯСИНИ ЭРТА ТАШХИСЛАШ
ВА ПРОГНОЗЛАШ

14.00.05 – Ички касалликлар

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Tib2199 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziynet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Камилова Умида Кабировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Собиров Максуд Атабаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Рахимова Дилором Алимовна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

**Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини
ривожлантириш маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109 Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./Факс: (+99871) 150-78-25; e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./Факс: (+99871) 150-78-25.

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2021 йил «__» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г.Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

Д.А.Набиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори,
доцент

А.Л.Аляви

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Юрак-қон томир касалликлари (ЮҚТК) дунё миқёсида энг кўп тарқалган бўлиб, ногиронлик ва ўлимнинг асосий сабаби эканлигича қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра «... ЮҚТК дан ҳар йили 17,9 миллион киши вафот этади, бу эса дунёдаги барча ўлимларнинг 30%ини ташкил қилади...»¹. СЮЕ билан касалланган беморларда буйраклар дисфункцияси мавжудлиги нохуш клиник оқибат предиктори бўлиб ҳисобланади, коптокчалар фильтрацияси тезлиги (КФТ)нинг пасайиши салбий прогностик мезон сифатида баҳоланади: КФТ<60 мл/дақ. бўлганда ўлим ҳавфи 2,1 маротабага ортади, КФТни 5/мл/дақ. пасайиши кардиоваскуляр хавфни 26% га оширади. Касаллик ривожланиши хусусиятларини эрта аниқлашда сезгир клиник-лаборатор ва генетик усулларни қўллаш долзарб вазифадир.

Жаҳонда сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда клиник-ташхисот асослари ва уларни даволашни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилган ҳолда, унда буйракнинг клиник-функционал хусусиятларини баҳолаш; турли клиник шаклларда кечишида клиник-гемодинамик ҳамда функционал маркерларни аниқлаш; касаллик ривожланиш хавфини генетик усулларини қўллаган ҳолда эрта аниқлаш ва прогнозлаш тартибини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шулар билан бир қаторда бу беморларда буйраклар дисфункциясини эрта аниқлашда клиник-генетик жараёнларни баҳолаш усулларини такомиллаштириш ҳамда касаллик ривожланишини башоратлаш услубларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий хизмат тизимни жаҳон андозаларига мослаштириш, жумладан юрак-қон томир касалликларини эрта ташхислаш орқали унинг асоратларини камайтиришга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»². каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда сурункали юрак етишмовчилигида клиник-генетик ўзгаришларни ташхислаш ва касаллик ривожланиш хавфини прогнозлашни такомиллаштириш ҳамда ногиронлик ва салбий оқибатларга олиб келувчи сабабларни камайтириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

¹ World Health Report. Geneva: World Health Organization. Available from URL: <http://www.who.int/whr/2014/en/statistics.htm>; 2014

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари доирасида VI. «Тиббиёт ва фармакология» йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Охириги йилларда қатор тадқиқотлар юрак-қон томир касалликлари патогенетик механизмларини ўрганишга бағишланган (Wakefield B.J. 2018; Беленков Ю.Н., 2020). Бу касалликлар патогенезида эндотелий функциясининг бузилиши ўрни бир қатор кўп марказли тадқиқотларда қайд этилган (Kramer F., 2017; Суг А.Р., 2020). Сурункали юрак етишмовчилигининг шаклланиши, клиник кечиши ва прогнозида муҳим омил бўлган эндотелий дисфункциясини ва унинг генетик полиморфизмини баҳолаш терапевтик ва профилактика чораларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга (Incalza M.A., 2018; Povysil G., 2021; Терещенко С.Н., 2020).

СЮЕда КФТнинг пасайиши ва креатинин (Кр) миқдорининг ошиши ноҳуш прогнознинг мустақил белгилари сифатида кўрсатилган (Joseph M.S., 2019; Арутюнов Г.П., 2019). Гиперферментурия эса буйраклар тубуляр аппаратлари дисфункциясини тавсифлайди, бу ҳолат унинг дисфункциясига олиб келувчи бир қатор юрак билан боғлиқ касалликларда ва буйраклар хасталикларида баҳоланган (Rangaswami J., 2018; Бабинцева А.Г., 2016). Кардиоренал синдромнинг патогенетик механизмлари асосланган (Ronco C., 2018; Mullens W, 2020).

Ўзбекистонда СЮЕ ривожланишида ва патогенезида эндотелий функциясини ва буйраклар ҳолатини баҳолаш бўйича ва уларнинг генетик полиморфизмини юрак-қон томир касалликлари шаклланишидагини родини аниқлашга қаратилган қатор, жумладан қуйидаги илмий тадқиқотлар амалга оширилган: сурункали юрак етишмовчилигида эндотелий дисфункциясини эрта аниқлаш ва уни ҳисобга олган ҳолда даволаш усуллари ишлаб чиқилган (Абдуллаева Ч.А., 2016; Курбанов Р.Д. 2019), касалликда эндотелий ва буйраклар дисфункцияси ривожланишидаги номзод генлар полиморфизми ўзгаришларнинг ўзига хосликлари баҳоланган (Курбанов А.К., 2018; Гадаев А.А., 2019; Камилова У.К., 2019). Лекин сурункали юрак етишмовчилигида буйраклар дисфункцияси ривожланишида NO синтаза гени полиморфизмини ва хусусиятларини ташхисотини илмий асослашга қаратилган ишлар бажарилмаган.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, сурункали юрак етишмовчилигида буйраклар дисфункцияси ривожланишини башоратлашнинг янги тамойилларини асослаб бериш, ташхислашда генетик синамалар усулларини такомиллаштириш долзарб ва амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг №011100158 «Ички касалликларни ташхислаш ва даволашни самарадорлигини оширишнинг янги йўллари излаш. Профилактиканинг рационал йўллари» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сурункали юрак етишмовчилигида буйраклар дисфункцияси ривожланишини эрта ташхислашда клиник-генетик предикторларни аниқлаш ҳамда прогнозлаш услубларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда буйраклар ва эндотелий функцияси кўрсаткичларини ўзаро боғлиқлигини ўрганиш;

сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда NO-синтаза тизими ва оксидатив стресс кўрсаткичларини буйраклар дисфункциясини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилиш;

сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда буйраклар дисфункциясини юзага келиши ва ривожланишида NO-синтаза гени T786C полиморфизми хусусиятларини аниқлаш;

сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда буйраклар дисфункцияси ривожланиши ҳавфи юқори шахсларни аниқлаш учун NO-синтаза гени T786C полиморфизми мезонларининг прогностик аҳамиятини баҳолаш;

сурункали юрак етишмовчилигида буйраклар дисфункцияси ривожланиши ва касаллик кечишини эрта прогнозлаш усулларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент тиббиёт академияси 1 клиникасида шифохона шароитда даволанган 127 та I-III функционал синфли сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида сўровномалар, клиник ҳолатни баҳолаш шкаласи, функционал, биокимёвий, иммунофермент ва молекуляр-генетик тадқиқотлар натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда клиник, лаборатор-функционал, молекуляр-генетик ҳамда статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда буйраклар дисфункцияси ривожланишида NO-синтаза тизими ва оксидатив стресс кўрсаткичларини прогностик аҳамияти асосланган;

илк маротаба сурункали юрак етишмовчилиги билан хасталанган беморларда буйраклар дисфункцияси ривожланишида NO-синтаза гени T786C полиморфизмининг молекуляр-генетик детерминантлари аниқланган;

NO-синтаза гени T786C полиморфизмининг C аллели ва T/C генотиби оғир сурункали юрак етишмовчилиги ва буйраклар дисфункцияси ривожланишининг прогностик маркерлари сифатида аниқланган;

сурункали юрак етишмовчилигида буйраклар дисфункцияси ривожланишини эрта аниқлаш ва прогнозлашда NO-синтаза гени T786C полиморфизмининг нохуш генетик маркерларини аҳамияти асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот асосида сурункали юрак етишмовчилигида буйраклар дисфункцияси ривожланиш хавфини баҳолаш учун эрта прогностик мезонлар ишлаб чиқилган;

беморларда клиник-функционал ва молекуляр-генетик кўрсаткичлар мезонлари асосида касаллик зўрайиши предикторлари аниқланган;

сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда клиник-генетик кўрсаткичларни инобатга олган ҳолда касаллик кечишини эрта прогнозлаш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилганларнинг сони етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек тадқиқот натижаларининг ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сурункали юрак етишмовчилигида буйраклар дисфункцияси ривожланишинини эрта прогнозлашда клиник-функционал, NO синтаза тизими ва генетик полиморфизми хусусиятларининг ролини асослаш билан изоҳланади

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда буйраклар дисфункцияси ривожланишини эрта аниқлаш ва касаллик кечишини прогнозлаш тамойилларини мувофиқлаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда буйраклар дисфункцияси ривожланишини эрта аниқлаш ва прогнозлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда буйраклар дисфункциясини эрта ташхислаш бўйича олинган илмий тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган «Сурункали юрак етишмовчилиги бор беморларда буйраклар дисфункциясини эрта ташхислаш ва прогнозлаш усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 19 августдаги 8н-з/284-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда буйраклар дисфункцияси ривожланишини эрта аниқлаш, касаллик кечиши ва прогнозни яхшилаш имконини берган;

сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда касалликни эрта аниқлаш, касаллик кечишини прогнозлаш бўйича олинган илмий натижалар Соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси, Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик клиник шифохонаси ва Шайхантохур тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 6-декабрдаги 08-09/19183-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий этилиши сурункали юрак етишмовчилигида буйраклар дисфункциясини эрта ташхислаш, клиник кечишини прогнозлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 27 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 5 таси Республика ва 2 таси халқаро илмий журналларда чоп этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 та асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва талабга мослиги, тадқиқот мақсади ва вазифалари, унинг объекти ва предмети билан тавсифланган, республика илм-фан ва технологиянинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Сурункали юрак етишмовчилигида буйраклар дисфункцияси ривожланиши патогенезида эндотелийнинг гуморал ва генетик омиллари аҳамияти»** деб номланган биринчи бобида юрак қон-томир тизими касалликларида буйраклар дисфункциясини ривожланиш патогенези, эндотелий дисфункциясининг ўрни ва унинг генетик детерминантлари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **«Сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда буйраклар ва эндотелий дисфункциясини аниқлаш методологияси»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотга киритилган беморларнинг умумий тавсифи, тадқиқот усуллари ва натижаларини баҳолашда қўлланилган статистик усуллар келтирилган.

Ўзбек миллатига мансуб СЮЕ билан хасталанган 35-60 ёшдаги 127 та бемор Тошкент тиббиёт академияси 1 клиникасида даволанган бўлиб, уларнинг ўртача ёши $54,6 \pm 7,6$ ёшни ташкил этди. Беморлар олти дақиқали юриш синамаси (ОДЮС) ва кардиологларнинг Нью-Йорк Ассоциацияси таснифига асосан СЮЕ ФС бўйича гуруҳларга ажратилди. I ФС гуруҳини 27 бемор, II ФС гуруҳини 56 бемор ва III ФСни 44 бемор ташкил этди. Назорат гуруҳини ёш, жинс жиҳатдан мос 34та соғлом киши танлаб олинди.

Беморлар қабул қилган оптимал медикаментоз терапия куйидагича эди: ангиотензин айлантирувчи фермент (ААФ) ингибиторларини 56% беморлар, ангиотензин рецепторлари блокаторларини (АРБ) - 44%, бета адреноблокаторларни (БАБ) - 100%, диуретиклар - 42%, спиронолактон - 48%, эплеренон - 34%, аспириин - 100%, нитратлар - 23%, статинларни беморларнинг 93%и қабул қилган.


Барча беморларга ЭКГ, клиник ва биокимёвий текширувлар комплекси ўтказилди. Эндотелиал функцияси биокимёвий усул билан NO синтаза ва унинг метаболитлари NADPH-диафараза (eNOS), нитрит редуктаза (iNOS), оксидатив стресс кўрсаткичлари – малон диальдегид (МДА), ацилгидроперекись (АГП) ва антиоксидант ферментлар – супероксидисмутаза (СОД), каталазалар аниқланди. Эндотелин -1 иммунофермент усул билан «Бест Вектор» (Россия) реагентларидан фойдаланиб аниқланди. КФТ ҳисоблаш йўли билан СКД – EPI формуласи бўйича аниқланди. Ферментурияни баҳолаш учун биокимёвий усул билан сийдикда аланинаминотрансфераза (АЛТ), аспартаттрансфераза (АСТ) ва ишқорий фосфатаза (ИФ) миқдори аниқланди. Молекуляр-генетик текширув эндотелиал NO синтаза (eNOS, NOS3) генининг T-786C промотори полиморфизми ўзбек миллатига мансуб СЮЕ ли 117 нафар беморда ва 94 соғлом донорларда ишлаб чиқарувчилар қўлланмасига мувофиқ CG-1-96 «Corbett Research» (Австралия) ва 2720 «Applied Biosystems» (АҚШ) дастурланган термоциклерларда полимераз занжир реакцияси усулида ўтказилди (Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказининг молекуляр тиббиёт ва ҳужайра технологияси илмий бўлими). Якуний нукталар 1 йилдан сўнг куйидаги кўрсаткичлар бўйича аниқланди: қайта шифохонага ётишлар, такрор фатал ва нофатал миокард инфаркти (МИ) ривожланиши, ўлим кўрсаткичлари. Истисно мезонлари куйидагилардан иборат бўлди: ўпка, жигар ва буйрак функциялари бузилиши билан кечувчи касалликлар мавжудлиги, мураккаб аритмиялар, қандли диабет, анамнезда бош мия ўткир қон айланиш бузилишлари ўтказганлиги.

Диссертациянинг «Сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда буйраклар дисфункциясини касаллик клиник кечишида ўрни» деб номланган учинчи бобида сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда касаллик кечишини буйраклар дисфункцияси кўрсаткичи билан боғлиқлиги таҳлили келтирилган.

Текширилган СЮЕ I ФСли беморларда жисмоний зўриқишларга чидамлилик ОДЮС натижаларига кўра $423,9 \pm 17,1$ метрни ташкил қилди. СЮЕ II ва III ФС ли беморларда жисмоний зўриқишларга чидамлилик СЮЕ I ФСли беморлар ОДЮС натижаларидан 15% ва 27%га пасайганлигини кўрсатди ва

мос равишда $343,2 \pm 20,5$ ва $210,3 \pm 22,8$ метрларни ташкил этди. СЮЕ I ФС да клиник ҳолатни баҳолаш шкаласи (КХБШ)нинг дастлабки кўрсаткичлари мос равишда $4,7 \pm 1,21$ баллни ташкил этди. СЮЕ II ФС да беморлар клиник ҳолатининг ёмонлашуви қайд этилди, бу СЮЕ I ФС бўлган беморларга нисбатан КХБШ кўрсаткичларининг билан ифодаланди ва $6,7 \pm 1,3$ ($p < 0,05$) баллни ташкил этди. СЮЕ III ФС да ушбу кўрсаткич – $8,8 \pm 1,1$ ($p < 0,01$) баллга тенг бўлди.

Тадқиқотга киритилган СЮЕли беморларда СКД-ЕРI бўйича аниқлаш 54 (42,5%) та беморда ҳКФТ кўрсаткичининг 60мл/дақ дан паст эканлигини кўрсатди. ҳКФТ ≤ 60 мл/дақиқа бўлган беморлар гуруҳида ОДЮС, КХБШ кўрсаткичларининг таҳлили ҳКФТ > 60 мл / дақиқа бўлган беморларнинг ушбу кўрсаткичлари билан солиштирилганда сезиларли фарқларни кўрсатди: ҳКФТ ≤ 60 мл/дақиқа бўлган беморларда ОДЮС кўрсаткичи мос равишда 15,3% га ($p < 0,005$) паст эканлиги ва КХБШ натижалари эса 18,3% га ($p < 0,005$) юқори эканлиги аниқланди (1-расм). ҳКФТ кўрсаткичининг ОДЮС ва КХБШ натижалари билан ишончли корреляцион боғлиги қайд этилди ($r = 0,56$ ва $r = -0,51$).



Изоҳ: * - $p < 0,05$ ҳКФТ > 60 мл/дақ. беморлар гуруҳига нисбатан

1-расм. СЮЕ билан касалланган беморларда ОДЮС ва КХБШ кўрсаткичларини ҳКФТ билан боғлиқлиги

СЮЕ билан касалланган беморларда ЭхоКГ кўрсаткичларини таҳлиliga кўра, чап қоринча (ЧҚ) нинг систолик дисфункцияси (отиш фракцияси (ОФ) $< 40\%$) 42 (33%) беморда, 50 (39,4%) беморда ЧҚ нинг қисқариш фаолиятининг оралиқ пасайиши (40-49%) кузатилди. Қолган 35 (27,6%) беморда ЧҚ ОФ 50% дан юқори эди.

СЮЕ билан касалланган беморларда ҳКФТнинг ОФ кўрсаткичлари билан боғлиқлиги таҳлили, улар орасида ассоциация бор эканлигини аниқлади. СЮЕ билан касалланган беморларда ЧҚ систолик ва диастолик функцияси

кўрсаткичларини хКФТ кўрсаткичи билан боғлиқлигини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, хКФТ ≤ 60 мл/дақ. гуруҳдаги беморларда ОФ ишончли 14,9% ($p < 0,05$) паст эканлиги, охириги диастолик ҳажм ва охириги систолик ҳажм кўрсаткичларининг 15,3% ва 12,7% га ($p < 0,05$) ишончли юқори эканлиги қайд этилди ва диастолик дисфукциясининг рестриктив тури аниқланган беморларда корреляцион боғлиқлик борлиги аниқланди.

Гиперферментурия, маркер сифатида, буйракдаги гломеруляр ва каналча аппаратларнинг дисфукциясини тавсифлайди. Бизнинг тадқиқотимизда буйракларнинг функционал ҳолатини, уларнинг тубулоэпителиал тизимини баҳолаш учун биз пешобдаги ферментлар АЛТ, АСТ ва ИФ даражасини аниқлаш усулидан фойдаландик. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, буйрак каналчаларининг функционал ҳолатини тавсифловчи пешобдаги ферментлар даражаси СЮЕ зўрайиши билан пешобда АЛТ, АСТ, ИФ нинг ишонарли даражада ошиши ($p < 0,05$) билан бирга кечади. Пешобдаги АЛТ, АСТ ва ИФ ферментлари даражасининг дастлабки кўрсаткичларини назорат гуруҳлари билан солиштирганда СЮЕ I ФС бўлган беморларда 12,5%, 13,6% ва 24,5% га ($p < 0,01$), СЮЕ II ФС бўлган беморларда - 15,6%, 16,1% ва 31,4% ($p < 0,01$), СЮЕ III ФС бўлган беморларда - 32%, 34,8% ва 40,4% ($p < 0,001$) га ошишини кўрсатди.

Ферментурия кўрсаткичи хКФТ кўрсаткичи билан боғлиқ таҳлил қилинганда бу кўрсаткичларнинг хКФТ ≤ 60 мл/дақ. гуруҳдаги беморларда АЛТ, АСТ, ИФ кўрсаткичларининг буйраклар дисфукцияси бўлмаган беморларга нисбатан 33,8%, 38,6% ва 45,2%га ($p < 0,001$) юқори эканлиги аниқланди.

Диссертациянинг «СЮЕ билан хасталанган буйрак дисфукцияси бўлган беморларда NO-синтаза тизими ва унинг T786C гени полиморфизми хусусиятлари» деб номланган тўртинчи бобида NO-тизими кўрсаткичлари ва NO-синтаза T786C гени полиморфизми хусусиятлари келтирилган.

СЮЕ мавжуд беморларда касаллик асосий патогенетик механизмларидан бири сифатида NO синтези пасайиши кузатилиши мумкин. Томир деворида NO этишмовчилиги сабаби сифатида, бир томондан маъсул фермент - эндотелиал NO - синтаза (eNOS) экспрессияси тормозланиши оқибатида унинг синтези камайиши, иккинчи томондан оксидатив стресс жараёнининг асосий бўғини ҳисобланган супероксид аниони ҳосил бўлиши NO молекуласини кимёвий бетарафлигига сабаб бўлади. СЮЕ мавжуд бўлган беморларда эндотелиал дисфукция NO-синтаза экспрессияси пасайиши билан кечади. Бу I ФС беморларида eNOS нинг 14,9% ($p < 0,05$) га, II ФС да 29,9% ва III ФСда 38,6% ($p < 0,01$) га камайганлиги билан ифодаланди ва у NO метаболитлари (NO₂-NO₃) камайиши билан бирга кечди. I ФС беморларида бу кўрсаткич назорат гуруҳига нисбатан 14,9% ($p < 0,05$) га пастлиги аниқланди. СЮЕ II ва III ФС беморларида бу кўрсаткичнинг пасайиши соғлом шахслар гуруҳига нисбатан мос равишда 31,5 ($p < 0,05$) ва 39,4% ($p < 0,001$) ни ташкил этди. Бундан ташқари, нитрат редуктаза - iNOS миқдори назорат гуруҳи кўрсаткичларига

нисбатан СЮЕ I ФС беморларида 2,1 маротаба, II ФСда 3,4 маротаба ва III ФСда 4,2 маротаба ортиши кайд этилди.

СЮЕ билан хасталанган беморлар эндотелиал дисфункция NO-синтаза экспрессияси пасайиши билан характерланди ва назорат гуруҳига нисбатан eNOSнинг xKFТ <60мл/дақ. беморлар гуруҳида 42,7%га (p <0,001) ва xKFТ >60мл/дақ беморларда 24,7% (p <0,05) га камайиши аниқланди ҳамда улар 6,29±0,07 ва 8,31±0,09 мкмоль/дақ/л ни ташкил этди (1-жадвал). Бу ўз навбатида нитрит редуктаза кўрсаткичи – iNOSнинг ортиши билан характерланди: xKFТ<60мл/дақ. беморлар гуруҳида бу кўрсаткич миқдори назорат гуруҳига нисбатан 3,4 маротаба ошиши кузатилди ва 2,04±0,05 мкмоль/дақ/л ни ташкил этди. xKFТ >60мл/дақ. беморларда бу кўрсаткич 1,57±0,07 мкмоль/л ни ташкил этиб, назорат гуруҳига нисбатан 2,6 баробар ортиши билан характерланди. Эндотелин - 1 кўрсаткичи миқдори назорат гуруҳига нисбатан КФТ <60мл/дақ беморлар гуруҳида 2,3 баробарга (p <0,01) ва xKFТ >60мл/дақ беморларда 1,6 баробарга (p <0,05) га ошиши кузатилди. Бунда СЮЕли беморлар гуруҳида xKFТ кўрсаткичи ва эндотелин 1 кўрсаткичлари орасида юқори даражадаги корреляцион боғланиш аниқланди (r=-0,64, p <0,05).

1 - жадвал

СЮЕ билан хасталанган беморларда NO тизими кўрсаткичларини xKFТ билан боғлиқлиги (M±SD)

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи (n=34)	xKFТ >60мл/дақ (n=54)	xKFТ <60мл/дақ (n=73)
NADPH-диафорида (eNOS), мкмоль/дақ/л	10,91±0,65	8,31±0,09**	6,29±0,07***
Нитрит редуктаза (iNOS), мкмоль/дақ/л	0,68±0,07	1,57±0,07*	2,04±0,05**
Эндотелин -1, пг/мл	5,4±0,56	8,8±0,34*	10,3±0,29*

Изоҳ: * - p <0,05; ** - p <0,01 xKFТ>60 мл/дақ беморлар гуруҳига нисбатан ишончли

Текширилувчи беморларда оксидатив стресс жараёнлари кучайиши малон диалдегиди (МДА) ва ацилгидропрекись (АГП) миқдорини ошиши билан тавсифланиб, I ФСда назорат гуруҳига нисбатан МДА миқдори ошиши 29,7% ни (p <0,05) ташкил этиб, II ва III ФС да бу кўрсаткич соғлом шахслар кўрсаткичига нисбатан мос равишда 2,5 ва 3 маротаба юқорилиги тасдиқланди ва улар мос равишда 3,94±0,13 и 4,88±0,08 нмоль/мл ни ташкил этди (p<0,01). СЮЕ I ФСда АГП миқдори назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан мос равишда 17,7% (p<0,05), II ва III ФСда 60,3% ва 85,4% (p<0,01)га юқорилиги аниқланди. Пероксинитрит ONOO⁻ ҳосил бўлиши соғлом шахслар кўрсаткичига нисбатан СЮЕ I ФС беморларида 1,9 маротаба (p <0,05), II ФС 2,5 маротаба, III ФСда 3,1 (p <0,01) маротаба ортиши кўпгина ферментлар тизими, шу билан

бирга антиоксидант тизим ферментлари супероксидисмутаза (СОД) ва каталазалар тўқима структурасида ушланиб қолинишига олиб келади. СЮЕ беморларида СОД кўрсаткичи назорат гуруҳига нисбатан мос равишда, I, II, III ФСларда 19,4; 34,5 ва 38,7% га пасайганлиги аниқланди.

Антиоксидант тизим фаоллиги пасайишини каталаза миқдорини СЮЕ I, II, III ФС беморларида назорат гуруҳига нисбатан мос равишда 34,5; 51,9 ва 58,3% га пасайиши орқали кузатиш мумкин. СЮЕ беморларида эндотелин 1 ва eNOS кўрсаткичи орасида ($r=-0,73$, $p<0,001$) ва ONOO- ўртасида ($r=0,84$; $p<0,001$) юқори корреляцион алоқа мавжудлиги аниқланди. Юқори корреляцион алоқа оксидатив стресс кўрсаткичлари ва СЮЕ ФС лари билан ҳам аниқланди ($r=0,71$; $p<0,001$).

СЮЕли беморларда оксидатив стресс жараёнларини КФТ билан боғлиқ ҳолатда ўрганиш шуни кўрсатдики, КФТ <60 мл/дақ беморлар гуруҳида МДА миқдори ишончли юқори ва антиоксидант ферментлар миқдори ишончли паст бўлди (2-жадвал).



2-жадвал

СЮЕ билан касалланган беморларда оксидатив стресс кўрсаткичларини КФТ билан боғлиқлиги

Кўрсаткичлар	хКФТ \geq 60 мл/дақ	хКФТ $<$ 60 мл/дақ	р
АГП, E ₂₃₃ /мл	2,27 \pm 0,17	2,89 \pm 0,14	$>0,05$
МДА, нмоль/мл	2,46 \pm 0,13	4,51 \pm 0,15	$<0,05$
СОД, УЕ/мл	1,43 \pm 0,075	1,18 \pm 0,07	$<0,05$
Каталаза, мкмоль/л	12,2 \pm 0,34	8,23 \pm 0,20	$<0,01$
Пероксинитрит (ONOO), мкмоль/л	0,29 \pm 0,02	0,40 \pm 0,02	$<0,05$

Эндотелий дисфункцияси ривожланишини генетик детерминантлари - эндотелиал NO-синтаза гени T786C полиморфизми ўзбек миллатига мансуб СЮЕ бўлган 114 беморда ўрганилганда олинган натижалар T аллеллар 77,2% ва C аллеллар 22,8% ни ташкил этди. Ўзбек миллатига мансуб соғлом шахслар гуруҳида T аллеллар 85,3%ни ташкил этди (2-расм). СЮЕли беморларда T786C промоторнинг T/T генотиби 55,6%, T/C генотиби 43,2% ва C/C генотиби 1,2% беморларда аниқланди. Натижалар таҳлили СЮЕли беморларда NO-синтаза гени T786C полиморфизмининг T/T генотипининг учраши назорат гуруҳига нисбатан ишончли камайишини кўрсатди (55,6% беморлар гуруҳида ва 70,7% назорат гуруҳида, $\chi^2=5.4$; $P<0,02$; OR=0.5; 95% CI 0.302-0.907). T786C -T/T генотип СЮЕ I ФС беморларида 66,6% ни, II ФС беморларида – 50% ни ва III ФСда – 56,4% ни ташкил этишини кўрсатди (2-расм). T/C генотип СЮЕI ФС

беморларида – 33,3% ни, II ФСда – 46,6% ни ва III ФС беморларида - 43,6% ни ташкил қилди. Назорат гуруҳидаги бу кўрсаткичлар: Т/Т – 70,7% ва Т/С – 29,3% ни ташкил этди. Т аллеллар СЮЕ I ФС беморларида 83,3% ҳолатда, II ФС беморларида 73,3% ва III ФС СЮЕ беморларида 78,2% ҳолларда учраган. Назорат гуруҳида популяцион учраш таҳлили кўрсатишича: Харди Вайнберг мувозанати (ХВМ) бўйича аллеллар тақсимланиш частотаси $T=0.85$; $C=0.15$; назорат гуруҳида ХВМ бўйича генотиплар кутилаётган сони тақсимланиши: $T/T=0.73$; $T/C=0.25$; $C/C=0.022$ ни, шунингдек генотиплар тақсимланиши кузатилаётган сони: $T/T=0.71$; $T/C=0.29$; $C/C=0.0$. ($X^2=2.2$; $P=0.1$ кутилаётган ва кузатилаётган оралиғида) ни ташкил этди. СЮЕ беморларида ХВМ бўйича аллеллар тақсимланиш сони $T=0.77$; $C=0.23$ ни ташкил этди. ХВР бўйича генотиплар тақсимланишининг кутилаётган сони: $T/T=0.59$; $T/C=0.36$; $C/C=0.05$ ни ташкил этди. Беморлар гуруҳида ХВМ бўйича генотиплар тақсимланиши кузатилаётган сони: $T/T=0.56$; $T/C=0.43$; $C/C=0.01$ ни ташкил этди (ишонччилик: $X^2=4.1$; $P=0.04$ кутилаётган ва кузатилаётган оралиғида) (3-жадвал).




2-расм. Эндотелиал NO-синтаза гени T786C полиморфизми генотип ва аллеллари тақсимланиши

3-жадвал

ХВР бўйича NO-синтаза гени T786C полиморфизмининг СЮЕда тақсимланиши

Алеллар	Алеллар учраши				
T	0.73				
C	0.23				
Генотиплар	Генотиплар учраши		χ^2	P	df
	Кузатилаётган	Кутилаётган			
T/T	0.56	0.59	0,365	<0.01	1
T/C	0.43	0.36	2,266		
C/C	0.01	0.05	3,518		
Ҳаммаси	1,00	1,00	6,150		

NO-синтаза гени T786C полиморфизмини СЮЕда буйрақлар дисфункцияси билан боғлиқ ҳолда ўрганишда КФТ > 60 мл/дақ беморлар гуруҳида T аллель учраши 78%ни ташкил этди, КФТ <60 мл/дақ беморларда 67.3%ни ташкил этди. C аллель КФТ <60 мл/дақ беморлар гуруҳида 1.5 марта кўпроқ учради ва 32.7% ҳолатда ҳамда КФТ > 60 мл/дақ беморлар гуруҳида 22%да аниқланди. КФТ <60 мл/дақ беморларда T/C генотип учраши 41.8%ни ва КФТ > 60 мл/дақ гуруҳ беморларида 57.7%ни ташкил этди. Нисбат коэффициент бўйича нохуш T/C генотип учраши буйрақлар дисфункцияси ривожланиш хавфини 1,8 марта оширади ($\chi^2=4.3$; P=0.04 (95% CI 1.02- 3.09), шу сабабли уни буйрақлар дисфункцияси ривожланиш хавфи прогностик мезони сифатида қабул қилиш мумкин (3- расм).



3-расм. СЮЕ билан касалланган беморларда NO-синтаза гени T786C полиморфизми генотипларининг учрашининг КФТ билан боғлиқ тақсимланиши

Юқоридаги кўрсаткичларнинг СЮЕ ФСга боғлиқ равишда таҳлили куйидагиларни кўрсатдики: СЮЕ I ФС ХВМ бўйича аллеллар тақсимланиши сони: T=0.83; C=0.17ни ташкил этди. ХВМ бўйича генотиплар тақсимланиши

кутилаётган сони беморлар гуруҳида: $T/T=0.69$; $T/C=0.28$; $C/C=0.03$ эканлигини кўрсатди. ХВМ бўйича генотиплар тақсимланиши кузатилаётган сони беморлар гуруҳида: $T/T=0.67$; $T/C=0.33$; $C/C=0.00$ ни ташкил этди ($\chi^2=0.4$; $P=0.5$ кутилаётган ва кузатилаётган оралиғида). СЮЕ II ФС беморларида ХВМ бўйича аллеллар тақсимланиши частотаси: $T=0.73$; $C=0.27$ ни ташкил этди. ХВМ бўйича генотиплар тақсимланиши кутилаётган сони беморлар гуруҳида: $T/T=0.54$; $T/C=0.39$; $C/C=0.07$ га тенг бўлди. ХВМ бўйича генотиплар тақсимланиши кузатилаётган сони беморлар гуруҳида: $T/T=0.50$; $T/C=0.47$; $C/C=0.03$. ($\chi^2=1.1$; $P=0.3$ кутилаётган ва кузатилаётган оралиғида). СЮЕ III ФС ХВМ бўйича аллеллар тақсимланиши сони: $T=0.78$; $C=0.22$ ни ва генотиплар тақсимланиши кутилаётган частотаси беморлар гуруҳида: $T/T=0.61$; $T/C=0.34$; $C/C=0.05$ ни ташкил этди. ХВР бўйича генотиплар тақсимланиши кузатилаётган сони беморлар гуруҳида: $T/T=0.56$; $T/C=0.44$; $C/C=0.00$. ($\chi^2=3.0$; $P=0.08$ кутилаётган ва кузатилаётган оралиғида).

Ўрганилаётган генетик маркерлар прогностик самарадорлиги (AUC-классификатор) стандарт формула орқали аниқланди: $AUC = (Se + Sp)/2$; бу ерда Se ва Sp – мос равишда генетик маркер сезгирлиги ва махсуслиги.

Шундай қилиб, NO-синтаза гени T786C полиморфизмининг аллеллари ва генотипларининг тарқалишининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва уларнинг СЮЕ ҳосил бўлиш хавфидаги аҳамиятини баҳолаш натижасида функционал жиҳатдан салбий С аллелининг СЮЕ нинг келиб чиқишидаги аҳамияти қайд этилди. Натижалар СЮЕ ФС II ва ФС III нинг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда T/T генотипининг ҳимоя фаоллигининг пасайишини аниқ кўрсатиб турибди. Бу шуни англатадики, юқори статистик аҳамиятга эга бўлган NO-синтаза гени T786C полиморфизмининг T/C генотипини СЮЕда буйрақлар дисфункцияси ривожланиши хавфини оширувчи маркер деб қараш мумкин.

Ўзбек миллатига мансуб СЮЕ билан хасталанган беморларда генетик модель асосида NO-синтаза T786C гени полиморфизмининг касаллик прогнозидаги аҳамиятини баҳолаш натижасида NO-синтаза ва эндотелин-1 миқдори орасида боғлиқлик мавжудлиги аниқланди: T/T генотипли беморларда эндотелин-1 миқдори $9,34 \pm 0,24$ пг/мл ни ташкил этган бўлса, T/C генотипда бу кўрсаткич 60%га юқори бўлиши билан намоён бўлди. Нитрит редуктаза (iNOS) ва NADPH-диафараза (eNOS), кўрсаткичлари ҳам T/C генотипли СЮЕли беморларда T/T генотипли беморлардан ишончли фарқ қилиши аниқланди (4-жадвал).

4 - жадвал

Ўзбек миллатига мансуб СЮЕ билан хасталанган беморларда эндотелий дисфункцияси кўрсаткичларининг NO-синтаза гени T786C полиморфизми генотиплари билан боғлиқлиги

Кўрсаткич	T/T n=61	T/C n=53	p
Нитрит редуктаза (iNOS), мкмоль/дак/л	$2,46 \pm 0,18$	$4,02 \pm 0,21$	$< 0,01$
NADPH-диафараза (eNOS), мкмоль/дак/л	$1,88 \pm 0,21$	$3,21 \pm 0,12$	$< 0,05$

Эндотелин-1	9,34±0,24	14,12±0,36	< 0,01
-------------	-----------	------------	--------

Шундай қилиб, СЮЕ билан касалланган беморлар NO-синтаза гени T786C полиморфизмининг хусусиятларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотда СЮЕ I ФС ривожланиш хавфи ва бу геннинг предиспозицион аллель ва генотипик полиморфизм вариантларининг тарқалиши ўртасида боғлиқлик йўқлиги ва бу СЮЕ I ФС ривожланиш хавфини тахмин қилиш учун маркер сифатида фойдаланиш имконини бермаслиги маълум бўлди ($\chi^2 < 4.25$; $p > 0.05$).

Тадқиқотга жалб қилинган беморлар бир йил давомида кузатувга олинди. Бир йиллик кузатувдаги беморларни таҳлил натижаларини баҳолаш 30 та бемор такрорий шифохонага ётганлигини кўрсатди, улардан 13та беморда такрорий нофатал МИ ва 5та фатал МИ қайд этилди (5 -жадвал). СЮЕ билан такрорий шифохонага ётқизилганлар сони кўпроқ КФТ <60 мл/дақ. бўлган беморларда кузатилди: 10та беморда нофатал миокард инфаркти ва 4та беморда фатал МИ. Ўлим кўрсаткичи 11тани ташкил этди ва 6та ҳолатда тўсатдан ўлим қайд этилди. Прогноз кўрсаткичлари таҳлил қилинганда, 64,3% нофатал МИ, 80% фатал МИ ва 81,8%да ўлим кўрсаткичи Т/С генотипли беморларда содир бўлгани аниқланди.

Генетик модель асосида СЮЕ беморларда эндотелиал NO – синтаза T786C гени полиморфизмининг касаллик прогнозидagi ахамиятини баҳолаш буйрақлар дисфункцияси учун нохуш прогностик омил сифатида Т/С генотип эканлиги аниқланди.

5- жадвал

СЮЕ билан касалланган беморларда 1 йиллик прогноз таҳлили

Прогноз кўрсаткичлари	Т/Т (n=21)	Т/С (n=37)
Такрорий госпитализация (n= 30)	14 (46,7%)	16 (53,3%)
Такрорий МИ нофатал (n= 13)	4 (31,8%)	9 (69,2%)
Такрорий МИ фатал (n=5)	1 (20%)	4 (80%)
Ўлим (n=10)	2 (18,2%)	8 (81,8%)
Тўсатдан ўлим (n=5)	2(40%)	3 (60%)

СЮЕ кечишини буйрақлар ҳолатини ҳисобга олган ҳолда эрта прогнозлаш мақсадида касаллик клиник-функционал мезонлари комплекс баҳолаб, ҳар бир мезоннинг диагностик қиймати ва прогностик ахамиятини ҳисобга олган ҳолда эҳтимоллик назариясига асосланган ёндашув асосида прогностик матрица яратилди ва унинг асосида беморнинг индивидуал хавф-стратификациясини баҳолаш учун хатосиз прогноз эҳтимолини аниқлайдиган ва касаллик кечишини башоратлайдиган дастур-калькулятор ишлаб чиқилди (4-расм).

СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ БОР БЕМОРЛАРДА БУЙРАКЛАР ФУНКЦИОНАЛ ХОЛАТИНИ АНИКЛАШ УЧУН ДАСТУР

Лаборатор кўрсаткичлар:


Креатинин, мкмоль/л: <input checked="" type="radio"/> 80дан кам <input type="radio"/> 81-100 <input type="radio"/> 101-120 <input type="radio"/> 121дан юкори	КФТ, мл/дак: <input checked="" type="radio"/> 90дан юкори <input type="radio"/> 90-60 <input type="radio"/> 59-45 <input type="radio"/> 44-30 <input type="radio"/> 30дан кам	Эрталабки сийдикда SG миқдори: <input checked="" type="radio"/> 1020 дан юкори <input type="radio"/> 1020-1015 <input type="radio"/> 1015 дан кам <input type="radio"/> 1010 дан кам
Эрталабки сийдикда Ал/Кр миқдори, мг/ммоль: <input checked="" type="radio"/> < 3,4 <input type="radio"/> 3,4-33,9 <input type="radio"/> > 33,9	Ферментурия: <input checked="" type="radio"/> Йўқ <input type="radio"/> Бор	

Балл: Натижаларни баҳолаш:

Дастур муаллифлиги ҳукуки билан ҳимояланган ©

4 – расм. Буйраklar дисфункцияси билан кечувчи СЮЕ беморларда прогнозни аниқлаш дастур-калькулятор

Шунингдек олинган клиник-функционал, иммунофермент ва генетик тадқиқотлар натижасида СЮЕ клиник кечишини прогнозлаш алгоритми яратилди (5-расм).



5-расм. СЮЕ клиник кечишини прогнозлаш алгоритми

ХУЛОСАЛАР

«Сурункали юрак етишмовчилиги бор беморларда буйраклар дисфункциясини эрта ташхислаш ва прогнозлаш» мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар олинди:

1. Сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларнинг 42,5 фоизда буйраклар дисфункцияси аниқланди ва касаллик зўрайиши хКФТ пасайиши билан асоцирланди. СЮЕ нинг эрта прогностик предикторлари сифатида хКФТ ≤ 60 мл / дақиқа пасайиши ҳамда буйрак коптокчалари ва найчалари зарарланиши кўрсаткичлари бўлган ферментурия даражасининг ошиши аниқланди.

2. Буйраклар дисфункцияси СЮЕ клиник кечишининг ёмонлашиши ва зўрайиши билан боғлиқ: хКФТ ≤ 60 мл / дақиқа бўлган беморларда хКФТ ≥ 60 мл / дақиқа бўлган беморларга нисбатан ОДЮС кўрсаткичи 24,3% га паст, КХБШ 17,3% га юқори бўлиб, улар орасида корреляцион боғлиқлик аниқланди - хКФТ ≤ 60 мл / дақиқа ва ОДЮС ($r = 0,56$) ҳамда КХБШ ($r = -0,51$).

3. СЮЕ нинг зўрайиши NO синтаза экспрессиясининг пасайиши билан бирга кечди, бу эндотелиал NO синтаза, NO метаболитлари (NO₂-NO₃), антиоксидант ферментлар фаоллигининг пасайиши ва индукцияланган NO синтаза даражасининг, оксидатив стресс кўрсаткичлари - МДА, АГПнинг ошиши билан тавсифланди ва бу жараён КФТ < 60 мл/дақ паст бўлган беморлар гуруҳида ишончли юқори бўлди.

4. Ўзбек миллатига мансуб СЮЕ билан касалланган беморларда генетик моделлар асосида NO–синтаза гени T786C полиморфизмининг T/C генотипини ташувчилик сонини ошиши касалликнинг КФТ < 60 мл /дақ. паст бўлган оғир кечиш хавфини оширади ва бу генотипни СЮЕ билан касалланган беморларда буйракларнинг оғир дисфункциялари билан боғлиқ бўлган мустақил генетик маркер деб ҳисоблаш имконини беради.

5. Ўзбек миллатига мансуб СЮЕ билан хасталанган беморларда генетик модель асосида NO–синтаза T786C гени полиморфизмининг касаллик прогнозидаги аҳамиятини баҳолаш T/C генотипининг аниқланиши СЮЕда нохуш прогноз ривожланишидан далолат беради. Буйраклар дисфункцияси кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда СЮЕ нинг кечишини прогнозлашнинг математик усули бу беморларда юрак-қон томир хавфини ўз вақтида баҳолаш ва уларни профилактика қилиш ҳамда даволаш самарадорлигини ошириш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

АЛИКУЛОВ ИХТИЁР ТИЛОВКОБИЛОВИЧ

**РАННЯЯ ДИАГНОСТИКА И ПРОГНОЗИРОВАНИЕ ДИСФУНКЦИИ
ПОЧЕК У БОЛЬНЫХ ХРОНИЧЕСКОЙ СЕРДЕЧНОЙ
НЕДОСТАТОЧНОСТЬЮ**

14.00.05 – Внутренние болезни

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2021.4.PhD/Tib2199.

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tma.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Камилова Умида Кабировна**
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Собиров Максуд Атабаевич**
доктор медицинских наук, профессор
Рахимова Дилором Алимовна
доктор медицинских наук

Ведущая организация: **Центр развития профессиональной квалификации медицинских работников**

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2021 г. в «_____» часов на заседании Разового Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 при Ташкентской медицинской академии. (Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби, дом 2. Тел./факс: (+99871) 150-78-25; e-mail: tta2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за № _____). Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Фаробий 2. Тел./Факс: (+99871) 150-78-25.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 года.

(реестр протокола рассылки № _____ от «___» _____ 2021 года).

А.Г.Гадаев
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.А.Набиева
Ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, доцент

А.Л.Аляви
Председатель Научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней доктор медицинских наук, академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (PhD) диссертации)

Актуальность и значимость темы диссертации. Сердечно-сосудистые заболевания (ССЗ) являются наиболее распространенными в мире и остаются основной причиной инвалидности и смерти. По данным Всемирной организации здравоохранения «... от ССЗ в год умирают 17,9 миллиона человек, что составляет 30% всех случаев смерти в мире...»¹. Согласно данным многоцентровых исследований, смерть от сердечно-сосудистых заболеваний чаще встречается у больных с хронической сердечной недостаточностью (ХСН). Наличие почечной дисфункции у больных ХСН является предиктором неблагоприятного клинического исхода, а снижение скорости клубочковой фильтрации (СКФ) рассматривается в качестве маркера неблагоприятного прогноза: при СКФ < 60 мл/мин риск смертности увеличивается в 2,1 раза, снижение СКФ на 5 мл/мин повышает кардиоваскулярный риск на 26%. Раннее выявление клинических особенностей заболевания с использованием чувствительных клинико-лабораторных и генетических методов, является актуальной задачей.

В мире у больных хронической сердечной недостаточностью наряду с оценкой клинических и функциональных особенностей сердца, особое внимание уделяют к клиническим исследованиям по выявлению молекулярно-генетических и функциональных маркеров течения различных клинических форм хронической сердечной недостаточности; ведутся научные исследования по разработке методов раннего выявления и прогнозирования риска заболеваний с использованием генетических методов. В то же время важно совершенствование методов ранней диагностики дисфункции почек с применением клинико-генетических методов у этих больных, а также разработка методов раннего прогнозирования развития заболевания.

Развитие медицинской отрасли нашей страны ставит ряд задач, направленных на адаптацию медицинской системы к требованиям мировых стандартов, в том числе осуществляются широкомасштабные меры направленные на снижение осложнений от сердечно-сосудистых заболеваний путем улучшения ранней их диагностики. В этом направлении по коренному совершенствованию системы здравоохранения поставлены ряд задач «...повышение эффективности, качества и популярности медицинской помощи в нашей стране, а также внедрение высокотехнологичных методов ранней диагностики и лечения заболеваний, создание патронажной службы, поддержка здорового образа жизни и профилактика заболеваний...»². При выполнении этих задач целесообразно осуществление исследований по совершенствованию клинических и генетических изменений при хронической сердечной недостаточности и улучшения прогноза риска развития заболевания, а также уменьшения причин инвалидности и неблагоприятных последствий.

¹ World Health Report. Geneva: World Health Organization. Available from URL: <http://www.who.int/whr/2014/en/statistics.htm>; 2014

² Указ Президента Республики Узбекистан №УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года.

Данное диссертационное исследование в известной степени служит выполнению задач, определенных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», № УП 5590 от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан», Постановлении Президента Узбекистан № ПП-3071 от 20 июня 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017–2021 годы» и в других нормативно-правовых документах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и техники республики. Диссертационная работа была выполнена в рамках приоритетных направлений развития науки и технологий Республики Узбекистан по направлению VI «Медицина и фармакология».

